




*Бутун дунё пролетарлари, бирлашинггиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқиши
№ 1 (13.263).
1 ЯНВАРЬ 1966 йил
ШАНБА
*Баҳоси 2 тийин.*


# СОВЕТ ХАЛҚИГА
# ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Азиз ўртоқлар ва дўстлар!

1965 йил тарихга ўтиб кетмоқда. Совет халқи уни шоду ҳуррамлик билан узатиб қўймоқда. 1965 йил жўшқин меҳнат ва ижодкорлик йили, янги ғалабалар ва зафарлар йили бўлди. Саноатда етти йиллик план муваффақият билан адо этилди. Биз етти йиллик планни бажаришда эришилган натижалар билан фахрланишимиз мумкин. Ўтган етти йил мобайнида саноат маҳсулотининг ҳажми қарийб икки баравар ошди.

Қишлоқ хўжалигимиз олға босиб кетди. Колхоз ва совхозларнинг меҳнатчилари чорвачилик маҳсулотлари етиштириш йиллик планини ошириб бажардилар, пахтадан мўл ҳосил териб олинди.

Совет фани ва маданияти янада барқ уриб яшнади. Космосни штурм қилиш дадиллик билан давом эттирилди ва космик кемадан юлдузлар орасидаги фазога биринчи бўлиб чиққан одам — совет кишиси бўлди.

КПСС Марказий Комитети март ва сентябрь Пленумларининг қарорлари жамиятимизни ривожлантиришда янги уфқлар очиб берди. Мамлакат экономикаси жадал суратда олға босиш учун қудратли омилга эга бўлиб олди. Қаҳрамон ишчилар синфи, шонли колхозчи деҳқонлар, халқ интеллигенциямиз социалистик мусобақани авж олдириб, социализм афзалликларидан яна ҳам тўлиқроқ фойдаланишга интилмоқдалар, резервларни ишга солмоқдалар, коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида янгидан-янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Совет халқининг ғоявий-сиёсий бирлиги тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланди.

Мана шу янги йил байрамида совет элимизнинг чексиз майдонларига хаёлан бир нигоҳ ташлайлик, азиз, дўстлар! Балтикадан тортиб то Тинч океан соҳилигача, Шимолий Муз океанидан тортиб то жанубдаги тоғларгача ҳамма жойларда янги қурилишларни, илҳомбахш ва қизғин иш жўш ураётганини кўрамиз.

Ўтиб бораётган йил тараққиёт кучлари билан реакция кучлари ўртасида, социализм билан капитализм ўртасида, озодлик, миллий мустақиллик, умумий тинчлик ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган халқлар билан империалистик агрессорлар ўртасида кескин кураш йили бўлди. Совет кишилари социал ва миллий зулмга қарши курашаётган барча халқларнинг тарафида турибдилар.

Коммунистик партия, Совет ҳукумати, бутун халқимиз ўзларининг интернационал бурчларини бажариб, Америка интервентларига қарши мардона жанг қилаётган Вьетнам халқига амалий ёрдам кўрсатиб келдилар ва кўрсатмоқдалар. Илғор инсоният шуни биладики: Советлар мамлакати ҳамиша озодлик, демократия ва социализм ишининг содиқ ҳимоячиси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади, тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун изчиллик билан курашиб келди ва бундан буён ҳам курашаверади.

Азиз ватандошлар!

Сизлар ҳозир қариндош-уруғларингиз, ёру-дўстларингиз, ҳамкасб ўртоқларингиз билан жамоат жам бўлиб байрам дастурхони атрофига тўпландингиз. Бори-йўғи бир неча минут ўтгач, Кремль курантлари Янги йил бошланганлигидан дарак беради. Сизлар уни кутиб олар экансиз, қалбингизга азиз бўлган ишлар тўғрисида, социалистик Ватанимизнинг кечаги ва эртанги куни ҳақида, бутун улкан, ажойиб совет оиламиз тўғрисида мулоҳаза юритасиз. Сизлар Янги йилни кутар экансиз, коммунистик қурилишнинг пионери бўлишдек буюк тарихий вазифани ўз зиммасига олган Ватанингизни ўйлайсиз.

Коммунистик партиянинг бўлажак XXIII съезди кириб келаётган йилда муҳим воқеа бўлади. Совет кишилари бу съездни муносиб кутиб олишга ҳозирланмоқдалар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети сизларга, азиз ўртроқлар ва дўстлар, кириб келаётган 1966 йилда чин юракдан энг самимий қутловларини ва энг яхши тилакларини йўллайдилар!

Завод ва фабрикаларнинг, колхоз ва совхоз далаларининг меҳнатчилари, сизларни; фан, маданият ва санъат арбоблари, сизларни; совет халқининг тинч меҳнатини қўриқлаб турган шавкатли Қуролли Кучларимизнинг жангчилари ва командирлари, сизларни; азиз хотин-қизларимиз, ажойиб ёшларимиз, сизларни; революцион жанглар ва меҳнатнинг муҳтарам ветеранлари, сизларни Янги йил билан қизғин табриклаймиз!

Бутун улуғ совет халқини қизғин табриклаймиз!

1966 йил — яхши ишлар ва зафарларнинг даракчиси, мамлакатимизда коммунизмнинг тантанасини яқинлаштирадиган янги беш йилликнинг дастлабки йили Ватанимиз эшигидан кириб келаверсин.

Биз социалистик мамлакатларнинг буюк ҳамдўстлигидаги барча халқларга совет халқи номидан қардошларча оташин салом йўллаймиз. Кириб келаётган йил социалистик давлатлар бирлигини мустаҳкамлаш билан, социализм ва коммунизм қурилишида янги ютуқлар билан нишонлана берсин.

Халқаро ишчилар синфига, бутун ер юзи меҳнаткашларига, озодлик учун, империализм ва мустамлакачиликка қарши мардона курашаётган барча кишиларга қизғин салом!

Кириб келаётган йил социал тараққиёт ва тинчлик учун курашда янги ғалабалар йили бўлиб қолиши мумкин ва керак. Биз шунга аминмизки, илғор инсоният империалистик агрессорларни жиловлаб қўйишга, жаҳон урушининг олдини олишга қодирдир. Бас шундай экан, бутун дунёда тинчлик учун кучимизга икки ҳисса куч қўшиб курашаверайлик!

Янги йил планета бўйлаб одим ташламоқда. Янги йил ҳар бир совет оиласи учун, ҳар бир совет кишиси учун сиҳат-саломатлик, жўшқин ғайрат, меҳнат зафарлари ва зўр бахт-саодат йили бўлиб қолсин!

Коммунизм учун, тинчлик учун, башарият тараққиёти учун курашаётган улуғ халқимизга шон-шарафлар!

Ленинчи партиямизга, совет халқининг жанговар авангардига шон-шарафлар!

Янги йилингиз, янги бахт-саодатингиз қутлуғ бўлсин, азиз ўртоқлар ва дўстлар!

**КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ** | **СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ** | **СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**

## ТОШКЕНТДА ЎТКАЗИЛАДИГАН УЧРАШУВГА ДОИР

Илгари хабар қилинганидек, 1966 йил 4 январда Тошкентда Ҳиндистон Бош Министри Л. Б. Шастри билан Покистон Президенти Аюбхон учрашади. Томонларнинг истагига мувофиқ, бу учрашувда СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин иштирок этади. А. Н. Косигин билан бирга СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Р. Я. Малиновский, Совет Иттифоқи Маршали В. Д Соколовский, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. П. Фирюбин, СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси И. А. Бенедиктов, СССРнинг Покистондаги элчиси М. В. Дегтярь, шунингдек бир гуруҳ маслаҳатчилар ва экспертлар Тошкентга келадилар.

### ТОШКЕНТДА УТКАЗИЛАДИГАН УЧРАШУВДА ҲИНДИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ СОСТАВИ

ДЕҲЛИ, 31 декабрь. Тошкентда ўтказиладиган учрашувда Ҳиндистон Бош Министри Л. Б. Шастрига Ҳиндистон ташқи ишлар министри Сваран Сингх, мудофаа министри Я. Б. Чаван, ташқи ишлар министрлигининг ташқи ишлар бўйича секретари Ч. С. Жха, Бош Министрнинг секретари Л. К. Жха, ички ишлар министрлигининг секретари Л. П. Сингх, Ҳиндистоннинг СССРдаги элчиси Т. Н. Кауль, Ҳиндистоннинг Покистондаги олий комиссари Кевал Сингх, қуруқликдаги қўшинлар штаби бошлиғининг ўринбосари генерал-лейтенант П. П. Кумарамангалам, ташқи ишлар министрлигининг бўлим мудири И. Ж. Баҳодир Сингх, мудофаа министрлигининг бўлим мудири Д. Р. Кохли, Бош Министр маҳкамасининг директори Ч. П. Сривастава, ташқи ишлар министрлигининг масъул ходими Б. А. Шарма, Ҳиндистоннинг СССРдаги маслаҳатчи элчиси Р. Жайпал, шунингдек экспертлар ва маслаҳатчилар ҳамроҳ бўлиши бу ерда эълон қилинди.

### ТОШКЕНТДА УТКАЗИЛАДИГАН УЧРАШУВДА ПОКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ СОСТАВИ

КАРАЧИ, 31 декабрь. Покистон матбуотида эълон қилинишича, Тошкентда ўтказиладиган учрашувда Покистон Президенти Аюбхонга ташқи ишлар министри Бхутто, президентнинг мудофаа масалалари билан шуғулланувчи маслаҳатчиси, савдо министри Ғулом Фаруқ, информация министри Хўжа Шаҳобуддин, ташқи ишлар секретари Азиз Аҳмад, информация министрлигининг секретари Алтаф Баҳор, президентнинг бош секретари Юсуф, ташқи ишлар министрлигининг бош директори Алви, Покистоннинг СССРдаги элчиси Иқбол Атхар, Покистоннинг Ҳиндистондаги олий комиссари Аршад Хусайн, Покистон армияси бош штабининг бошлиги генерал-майор Шер Баҳодир, авиация маршали, Покистон авиакомпаниясининг президенти Азҳархон, ташқи ишлар министрлиги директорларидан Бхатти, Ахунд, Кайзер, Рашид шунингдек экспертлар ва маслаҳатчилар ҳамроҳ бўладилар.

## САМИМИЙ ҚУТЛОВ

Куба революцияси қозонган қаҳрамонона ғалабанинг 7 йиллиги — Озодлик куни ҳамда кириб келаётган янги йил муносабати билан Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний ва А. Н. Косигин ўртоқлар Ф. Кастро ва О. Дортикос ўртоқларга телеграмма юбордилар. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва бутун совет халқи номидан юборилган ана шу телеграммада улар Куба халқини, Куба Компартияси Марказий Комитетини, Куба Республикасининг Революцион ҳукуматини шонли сана билан чин юракдан табриклайдилар ва қутлайдилар. (ТАСС).

### СССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

**Граждан авиацияси** ходимлари пассажирлар ташиш ҳажми, юк обороти ҳамда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигидаги авиахимия ишлари йиллик планини муддатидан олдин бажардилар.

# ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

